Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 26 (21. 145) 1992 йил 6 февраль пайшанба

Баҳоси 60 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ (ЎЗТАГ)НИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ (ЎЗА)ГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ва «Оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Ахборот агентлигини қайта ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ахборот агентлиги (ЎзТАГ) — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)га айлантирилсин.

2. ЎзА агентлиги Ўзбекистон Ахборот агентлигининг тўла ҳуқуқли вориси деб ҳисоблансин ҳамда унинг фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари:

— мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жумҳурият ички ва ташқи сиёсати, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг фаолияти ҳақидаги ахборот олиш ҳуқуқларини таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий баёнотлари ва ахборотларини тарқатиш;

— мустақил давлатларнинг, хорижий мамлакатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикасининг ички ҳамда ташқи сиёсатига доир, минтақага хос ижтимоий-сиёсий ва бошқа воқеалар хусусида ахборот материаллари бериш;

— Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини оғишмай амалга ошира бориб, жумҳуриятнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий турмушидаги воқеаларни ҳаққоний ва ошкора ёритиш, республика аҳолисини бир-бирларига нисбатан тенг ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш, халқлар ўртасида тотувлик, дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлаш руҳида тарбиялаш;

— мустақил давлатлар ва хорижий мамлакатларда ўзининг ахборот марказларини, мухбирлар манзилгоҳларини ташкил этиш, хорижий агентликлар ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари билан битимлар тузиш асосида барча турдаги ахборотларни тўплаш ва тарқатиш масалалари юзасидан халқаро алоқаларни йўлга қўйишдан иборат қилиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида ушбу Фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 февраль.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилояти кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум Х. А. Абдураҳимовнинг бетоблигини эътиборга олиб, унинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби вазифасидан озод этиш тўғрисидаги илтимосини қондирди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг иккинчи котиби бўлиб ишлаб келган Б. А. Аҳадов вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, ушбу кенгашнинг котиби вазифасида ишлаб келган А. М. Фаёзов вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг «Халқ иродаси» рўзномасини таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Уйчи район рўзномасининг муҳаррири бўлиб ишлаган Ф. Йўлчиев ушбу рўзноманинг муҳаррири этиб тасдиқланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленумда Наманган вилояти ҳокими Б. Рапиғалиев иштирок этди.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ЭНГ МУҲИМИ — ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Анъанага кўра Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиблари билан суҳбатни давом эттириб, бугун Марказий Кенгаш котиби, Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Ҳотам Маҳкамович Абдураимовга сўз берамиз. Ҳамсуҳбатимиз ҳақида қисқача маълумот: Ҳ. М. Абдураимов 42 ёшда. Ўзбек. Маълумоти олий. Тошкент политехника институтини битиргач, олти йил мобайнида илмий-тадқиқот институтида муҳандис, катта муҳандис, илмий ходим бўлиб ишлаган. Саратов олий партия мактабини битирган. Партия ишларида турли поғоналарда ишлаган. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши пленуми уни партия Марказий Кенгаши котиби ва Сиёсий Ижроия Қўмитаси аъзоси этиб сайлаган. Ҳ. М. Абдураимов айни пайтда ХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби ҳамдир.

— Ҳотам Маҳкамович, рўзномамиз таҳририятига республика сиёсий майдонида кечаётган жараёнларнинг моҳияти ҳақида батафсил ахборот бериш илтимослари билан кўплаб хатлар келмоқда. Кўпчиликни Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва собиқ Компартия ўртасидаги ўхшашликлар, ХДПнинг бошқа партиялар ва ҳаракатлар билан ўзаро муносабати қизиқтирмоқда.

— Авваламбор, Ўзбекистондаги мавжуд сиёсий аҳвол 1991 йил 29 декабрда ўтказилган республика Президенти умумхалқ сайлови ва мустақиллик эълон қилиниши муносабати билан жиддий ўзгарганини, ҳокимият учун янги, халқаро шарт-шароитларга мос бўлган ҳуқуқий асослар пайдо бўлганини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон тақдири учун бу ўзгаришлар қанчалик катта аҳамиятга эгалигини кўпчилик чуқур тушуниб етишини истардик. Ҳақиқатан зарур бўлса-бўлмаса «мустақиллик» сўзининг тез-тез тилга олинаётганлиги, тўғриси бу сўзнинг суиистеъмол қилинаётгани унинг туб моҳиятини оддийлаштириб қўймоқда. Ҳолбуки XIX аср ўрталаридан бошлаб халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятидан маҳрум бўлган эди. Тақдиримиз бир юз эллик йил давомида Москвада белгиланиб, бошқарилиб келинди. Бундай васийликдан биз энди халос бўлдик.

Мустақиллик йўлидаги ҳаракатларимизда салбий маънодаги яккаланиш ёки миллатчилик кўринишлари асло йўқ. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, биз ҳам бошқа халқлар ва давлатлар қатори том маънодаги эркинликни, мустақиллликни хоҳлаймиз.

Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон Компартияси ўртасидаги фарқларга келсак, республика Компартияси КПСС каби алоҳида партия эмас эди. КПСС собиқ давлатнинг умуртқаси эди, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳуқуқий давлатга бундай тартиблар умуман тўғри келмайди. Бугунги кунда жумҳуриятимизнинг сиёсий йўли ҳуқуқий давлат тузишга қаратилган. Шунинг учун ҳам бизлар «Эрк» демократик партияси ва «Бирлик» ҳаракатларининг таркиб топиши ва рўйхатдан ўтишини қўллаб-қувватладик. Ўзбекистон ХДП бу ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Сабаби — биз тинчлик-тотувлик тарафдоримиз.

— Сиз «Эрк» демократик партияси ва «Бирлик» ҳаракати билан ҳамкорлик ҳақида гапирясиз. Бироқ улар томонидан Ўзбекистон ХДП ҳақида ижобий фикрлар билдирилмаяпти.

— «Эрк» демократик партияси ва «Бирлик» ҳаракати аъзоларининг таркиби мураккаб. Шу сабабли бу сиёсий ташкилотлардаги баъзи гуруҳларнинг фикри унинг барча аъзолари фикри эмас. Ўзбекистон ХДП билан ҳамкорликни тан олмаётган айрим сиёсий гуруҳлар ҳозир ўта большевистик — «Ким биз билан бўлмаса, бизга қаршидир», деган шиордан фойдаланмоқдалар.

Бугунги кунда бундай мантиққа асосланиб иш олиб бориш эскириб қолган ва тинчлик-тотувлик сиёсатига мутлақо зиддир. Майли, вақт ўтсин — халқимизнинг ўзи ким республика манфаатини ўйлаётганини, ким шахсий манфаат йўлидан бораётганини аниқлаб олади, деган фикрдамиз.

Энди мисол тариқасида айтадиган бўлсам, Ўзбекистон ХДП ва «Эрк» демократик партиялари Дастурлари орасида жиддий, принципиал қарама-қаршиликлар йўқ, уларнинг иккови ҳам Ўзбекистонни мустақил демократик давлатга айлантириш йўлида курашмоқдалар. Шундай экан, нега энди биз мақсадларимиз бир бўла туриб, ҳаракатларимизни биргаликда олиб бормаймиз? Албатта, мустақиллик ва демократия қарор топиши тактикасида ҳар иккала партия орасида баъзи фарқлар бор бўлса бордир, лекин бу фарқлар ўзаро низо чиқариш учун хизмат қилмаслиги, муҳими — умумий ишимизга халақит бермаслиги зарур, деб ўйлайман. Жумҳуриятимиз халқлари фаровонлиги йўлида биз ўзаро мулоқотда бўлайлик, баҳслашайлик, агар зарур бўлса иш услубимизнинг баъзи томонларини ҳам ўзгартирайлик, лекин сира ҳам жанжал-можароларга йўл қўймайлик.

— Ҳотам Маҳкамович, Ўзбекистон ХДПнинг Компартия билан алоқадорлиги ҳақида берган саволим тасодифий эмас. ХДП аъзоларининг кўпчилик қисми собиқ коммунистлар эканлиги ҳаммага маълум. Шу ҳолни сиз қандай таърифлаб берасиз?

— Нима демоқчилигингизни тушундим. Сиз кечаги коммунистлар бугун қандай қилиб бирдан халқ демократлари бўлиб қолди, демоқчисиз.

Биринчидан, Компартия фаолиятининг сўнгги йилларида унинг аъзолари орасида ҳар хил қарашларга эга бўлган гуруҳларга бўлиниш содир бўлди. Шулар орасида эса мутлақо бир-бирига зид қарашларга бўлинган икки гуруҳ кўпроқ кўзга ташланди. Улардан бири — давлат ва партия фаолиятида демократик ўзгаришлар тарафдорлари бўлса, иккинчиси — сийқаси чиққан мафкура ва эски таълимотга суянган ёки ҳозирги сиёсий жараённинг туб моҳиятини тушуниб етмаган биродарларимиздан шаклланган гуруҳлар эди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкил топиши демократик руҳдаги коммунистларни ХДП сафига аъзо бўлишга олиб келди. Иккинчи гуруҳ эса тарқалиб кетди ва сиёсий майдондаги фаолиятини тўхтатди. Бугун собиқ раҳбарларнинг эскирган қарашлари билан келишолмай, ўз вақтида жабрланган коммунистлар ҳам Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлмоқдалар.

Иккинчидан, сиёсий вазиятнинг ўзгариб бориши ҳам кўпчиликнинг дунёқарашини ўзгартирмоқда. Кимларнингдир дунёқараши тезроқ, кимларники эса — секинроқ, лекин ўзгариб бормоқда. Гапнинг қисқаси — ҳаммамизнинг ҳам дунёқарашимизда шу ўзгаришлар юз бермоқда. Шунинг учун тоталитар мафкура асоратидан озод бўлиб, демократия йўлининг афзалликларини тушунган кишилар бизнинг партиямиз сафига кирмоқдалар.

КПССнинг хато ва камчиликларини танқид қилган ҳолда биз оддий партия аъзоларининг ана шу хаталарда ҳеч қандай айби йўқлигини яхши тушунамиз. Сабаби — КПССда оддий партия аъзоларининг фикрларига қулоқ солмай ҳамма ишни юқори тизимдагиларнинг ҳал қилиши таомилга айланганди. Шунинг учун барча сабабларни ҳисобга олиб партиямизга янги аъзолар олишда ХДП Дастури ва Низомини тан олган ҳар бир кишини — ўтмишда у КПСС аъзоси бўлганми, «Эрк» ёки «Бирлик» аъзоси бўлганми, бундан қатъи назар сафимизга қабул қиляпмиз.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИГА, ИЛМИЙ ХОДИМЛАРИ ВА ТАЪЛИМ-ЁРДАМЧИ ХОДИМЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг, илмий ходимлари ҳамда таълим-ёрдамчи ходимларининг моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш, нархлар эркин бўлган шароитда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча типлардаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» 1990 йил 13 ноябрдаги фармонининг қуйидаги қисмлари қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибига, илмий ходимлари ва таълим-ёрдамчи ходимларига ҳам жорий этилсин:

— улар яшаб турган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб бепул бериш;

— квартира ҳақи ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда имтиёзлар;

— ер участкаларини ва-якка тартибдаги қурилиш учун бинокорлик материалларини сотиб олишга биринчи навбатда ажратиб бериш.

Фармон мазкур бандининг амал қилиши камида 10 йил илмий-педагогик иш стажига эга бўлган ходимларнинг ушбу тоифасига мансуб пенсионерларга жорий этилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида 10 кун муддат ичида қарор лойиҳасини тайёрлаши зарур.

3. Ушбу Фармон 1992 йилнинг 1 мартидан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Р. Ш. ШОҒУЛОМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Рустам Шўмуродович Шоғуломов Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 5 февраль.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хабарига қараганда, бу ерда январь ойида жаҳоннинг 13 давлатидан келган 15 та делегация қабул қилинган. Асосан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари муҳокама этилган.

Шу йилнинг 31 январигача Ўзбекистон Республикасини мустақил давлат сифатида 83 мамлакат расмий равишда тан олган. Албания, Бенин, Болгария, Ботсвана, Бурунди, Венесуэла, Габон, Гайана, Гвинея, Зимбабве, Ироқ, Исландия, Италия, Кипр, Куба, Лаос, Ливан, Ливия, Мексика, Малайзия, Непал, Норвегия, Португалия, Панама, Сингапур, Филлипин, Франция, Швеция, Эквадор, Эфиопия, ЖАР, Ямайка январь ойида шу ҳақда хабар бердилар.

Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо этиб қабул қилинди. БМТ хавфсизлик Кенгаши февраль ойида бўладиган Бош ассамблеянинг навбатдаги сессиясида уни ана шу халқаро ташкилотга қабул қилиш учун тавсия этди.

Ўтган ойда ташқи ишлар вазирлигида Вьетнам, Монголия, Миср, Япония ва Жанубий Корея билан дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги баёнотлар ва ҳужжатлар имзоланди.

Шу даврда 565 та виза ва хорижий паспортлар расмийлаштирилди.

Турли даражалардаги Ўзбекистон савдо-иқтисодий делегациялари Япония, АҚШ, ХХР, Афғонистон, Италия, Жанубий Корея, Венгрия, Эрон, Туркия, Швейцария, Австралия, Ҳиндистон, Миср, Аргентина ва бошқа мамлакатларга бориб келдилар.

(ЎзТАГ).

АНЖУМАН ТУГАДИ

Давос, 5 февраль (РАТА—ТАСС мухбирлари Борис Шабаев, Валерий Шашков). Бу ерда давлат ва жамоат арбобларининг, молия ва иқтисод дунёси йирик намояндаларининг, олимлар, сиёсатшуносларнинг йиллик анъанавий учрашуви — Жаҳон иқтисодий анжумани ўз ишини тугатди.

— Жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг муҳим вазифаларнинг бири, деб таъкидлади анжуман президенти профессор Клаус Шваб, — Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги билан Шарқий Европада барқарорлаштириш жараёни ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга ёрдам бериш, жаҳон тарихида жуда катта бурилиш муваффақиятли бўлиши учун мазкур мамлакатлар ичидаги ҳамда ташқарисидаги барча имкониятларни ишга солишдир.

МДҲ таркибига кирган етти давлат: Озарбайжон, Арманистон, Белорусь, Қозоғистон, Молдова, Ўзбекистон ва Украина бошлиқларининг, шунингдек, Россия Федерацияси нуфузли делегациясининг учрашувда қатнашганлиги ҳамманинг диққат марказида турганлигининг боиси кўп жиҳатдан шу билан изоҳланади.

АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

Республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашдаги муҳим тарихий даврда муайян мушкулотлар, қийинчиликларнинг бўлиши табиий. Республикамизнинг оғир касалликка чалинган иқтисодиётини соғломлаштириш дарров ва осон кўчатириш эмас. Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳажми оғир жиҳатларини барчамиз кўриб турибмиз.

Бугунги нарх-наво ҳузурли эмас, албатта, у яхши кунлар умиди билан эзгу ниятда қилинган зарурий тадбир. Сир эмаски, Ўзбекистонга жуда кўплаб маҳсулотлар четдан, бошқа республикалардан сотиб олиб келинади. Бу маҳсулотларга улар қўйётган нарх эса бениҳоя эркин. Бу шароитда 20 миллиондан ортиқ аҳолини боқишнинг ўзи бўлмаслигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шунга қарамасдан, республикамиздаги нархнавонинг бошқа республикалардагидан ҳали ҳам анча пастлигини эътироф этмаслик инсофдан эмас.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг бундай мураккаб иқтисодий шароитда Ўзбекистон фуқароларининг моддий аҳволини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари амалда исбот топмоқда. Президентимиз зиёлиларнинг, талабаларнинг, барча ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг моддий аҳволини яхшилаш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда, бунинг учун жуда тор ва бўшаб қолаёзган «чўнтакдан» зарур маблағларни имкони борича излаб топмоқда.

Озиқ-овқатлар умумий нархининг анчайин ошиб кетганлиги муносабати билан ўқув юртларининг барча талабалари, ўқитувчи ва хизматчиларига ҳар иш куни учун беш сўмдан ёрдам пули беришга қарор қилинганлиги сезиларли мададдир. Бу тадбирлардан бирмунча олдинроқ давлат қарамоғидаги хизматчиларнинг, ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари, ойлик иш ҳақи икки ва 2,2 баравар оширилган эди. Ҳар бир киши бу ғамхўрликни сезмаслиги мумкин эмас. Бу бугунги беҳад оғир шароитда талабаларга ғамхўрликнинг яна бир намунасидир.

Иқтисодий мушкулотлар кўпайган бугунги шароитда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтимиз маъмурияти ва касаба уюшмаси талабалар, ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялашни янада яхшилаш юзасидан ички имкониятларни излаб топишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, 1991 йил якунида иқтисод қилинган маблағлар ва ички имконият ҳисобидан институт жамоасининг барча аъзоларига бир ойлик иш ҳақи миқдорида, талабаларга эса 120 сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 620.000 сўм пул ўқитувчилар ва барча хизматчиларга озиқ-овқат хариди учун ёрдам сифатида тарқатилди. 1991 йил мобайнида институт талабаларига жами 63800 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ногирон ва ота-онасиз талабаларга институтда алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Хусусан, шу йилнинг январь ойидаёқ уларга моддий ёрдам сифатида 10000 сўм ажратилди. Бу йилдан бошлаб, ётоқхоналарда истиқомат қилувчи талабалардан ҳақ олинмайдиган бўлди. Бу пулни тўлашни институт маъмурияти ўз зиммасига олди. Эркин нархларга ўтиш олдидан шаҳар савдо ташкилотлари ёрдами билан талабалар, ўқитувчилар ва хизматчилар учун ноёб саноат моллари савдосини ташкил қилинди. Унда ярим миллион сўмдан ортиқ товар сотилди. Олий билимгоҳ доимий равишда сут-қатиқ маҳсулотлари савдосини уюштирган. Унга қарашли тажриба ер участкасида ва «Хумсон» ўқув соғломлаштириш лагерида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўқитувчи ва талабаларимизга арзон нархларда сотилиши ҳам оддий ҳимоянинг бир кўринишидир. Ўқитувчи ва талабаларнинг моддий аҳволини яхшилаш юзасидан институтда аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан ўқув-тажриба участкасида ва «Хумсон» ўқув соғломлаштириш лагеридаги ерлардан янада унумли фойдаланиш, иссиқхоналар қуриб, қишин-ёзин жамоамиз аъзоларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб туриш мўлжалланмоқда. Институтда кичик корхоналар, ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиб, бу ишга талабаларни жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Олинган даромад, албатта, талабаларнинг моддий турмушини яхшилаш учун сарф қилинади.

Маиший турмуш кўнгилдагидек бўлмаса, ўқиш ҳам, иш ҳам самарали бўлмайди. Бугун мустақил Ўзбекистонимиз етук ва комил, ижодий тафаккур эгалари бўлган мутахассисларга ҳар қачонгидан ҳам муҳтож. Шунинг учун талабаларнинг ётоқхонадаги шароитларини яхшилаш, у ердаги ишларни бошқариш ва назорат қилиш ҳамда бу ишда талабаларнинг масъулиятини ошириш зарур. Шу мақсадда талабаларнинг умуминститут кенгаши тузилди, бу кенгашга ётоқхона, институтдаги тартиб-интизом, овқатланиш, дам олиш, озиқ-овқат таъминоти каби масалаларни назорат қилиш, шунингдек, уларни уюштириш топширилди.

Институт талабалари озиқ-овқат маҳсулотлари оладиган магазинлар, умумий овқатланиш шохобчалари (ошхоналар ва буфетлар) ишини доимий равишда назорат қилиб бориш, озиқ-овқат маҳсулотларининг узлуксиз таъминотини ҳамда буфет ва ошхоналардаги овқатларнинг сифат даражасини мунтазам таъминлаш мақсадида тузилган назорат комиссияси фаолиятини бошлаб юборди.

Бир сўз билан айтганда, талабалар, ўқитувчи ва ходимларнинг моддий аҳволи институт маъмурияти ва касаба уюшмасининг доимий диққат марказида.

Абдураҳим РАСУЛМУҲАМЕДОВ,
Низомий номли ТДПИ касаба уюшмасининг раиси.

• *Президент Фармонлари қандай бажарилмоқда?*

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

ДАВЛАТ КОТИБИ САФАРИ

Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Жэймс Бейкер яна сафар тараддудида. У келаси ҳафтада Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистонда бўлади. Давлат котиби мазкур давлатларнинг раҳбарлари билан музокаралар ўтказади.

НОБЕЛЬ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

1992 йилги Нобель тинчлик мукофотининг эгаси шу йилнинг октябрь ойида маълум бўлади. Мукофотнинг пул бўлаги бу йил 6,5 миллион кронни ташкил этади.

Россия Президенти Борис Ельцин мукофотга номзодлар орасида тилга олинган.

МАККАДАГИ КЕНГАШДА

Маккада масжидлар Жаҳон олий кенгашининг қурултойи бўлмоқда. Бирлашган Араб Амирликлари ахборот бошқармаси хабарларига кўра қурултойда турли мамлакатлардаги мусулмонларнинг аҳволи муҳокама қилинаётир.

(РАТА—ТАСС ва марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ЭНГ МУҲИМИ—ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— Бу ҳамма ёппасига қабул қилинаверади деган фикрни билдирадими?

— Биз барча хоҳловчиларни сафимизга қабул қиляпмиз, лекин бу ҳаммани бараварига қабул қилиш эмас. Бугунги кунда одамларда сиёсатга нисбатан совуш кайфиятлари пайдо бўлди, унга қизиқиш ўтиб бораяпти. Ҳозир сиёсатга, шу жумладан партиямизга ҳам жумҳуриятимиз равнақи томон бўлган ҳаракатларга ўз фикри, тавсиялари билан шахсий ҳиссасини қўшмоқчи бўлган кишилар қўшиляптилар. Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзолик кишиларга ҳеч қандай имтиёзлар бермайди. Партиямиз ўз аъзоларига ягона, у ҳам бўлса — жумҳуриятнинг сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишни, воқеаларга ўз таъсирини ўтказишини таъминлаши мумкин, холос.

— Олий ўқув юрти талабалари шаҳарчасида содир бўлган воқеаларнинг келиб чиқиши ва унинг оқибатлари ҳақида қандай фикрдасиз?

— Бу фожиа... Ҳа, чинакам катта фожиа... Энг даҳшатлиси — биз икки бегуноҳ ҳамюртимиздан жудо бўлдик. Бу кулфатни ҳар биримиз дилдан ҳис қилмоғимиз лозим. Агар биз мана шундай фожиаларга яна йўл қўйсак, булар ҳар биримизнинг, оиламизнинг, қариндошларимизнинг фожиасига айланиши аниқ. Сиёсий майдонда қандай ҳодисалар содир бўлмасин, ҳукумат томонидан қандай қарорлар қабул қилинмасин, энг муҳими, қон тўкилишига асло йўл қўймаслигимиз керак.

Фарғона, Ўш фожиалари, қўшни жумҳуриятлар, собиқ Иттифоқдаги тўқнашувлар ва шу каби воқеалар фақат кўз ёши, қон тўкилишига сабаб бўлишини англашимиз, улардан сабоқ олишимиз, тўғри хулоса чиқаришимиз керак. Турли хил келишмовчиликлар ва қийинчиликлар аввал ҳам ҳаётимизда бўлиб келган ва бундан буён ҳам бўлиши мумкин. Лекин шундай қийин ҳолларни куч ишлатмасдан, тинч йўл билан ҳал этиш даркор. Қонунларни нафақат фуқаролар, давлат ёки ички ишлар органлари ва ходимлари, балки ҳеч кимнинг бузиши мумкин эмас. Афсуски, ҳозирча матбуотда ҳам бундай тўқнашувларга бир томонлама ёндашилмоқда. Олий ўқув юрти талабаларининг норозилиги албатта ҳаққонийдир, лекин уларнинг норозиликни билдириш усуллари мутлақо ғайриқонуний тус олганлигини ҳам айтиш керак. Афсуски, шундай ҳам бўлди. Олий ўқув юрти талабалари шаҳарчасида қонунни талабалар ҳам, ички ишлар ходимлари ҳам буздилар. Лекин ҳозир мен бу ерда ҳеч кимга баҳо бермоқчи эмасман. Тергов органлари содир бўлган фожиани ҳар томонлама чуқур ва батафсил ўрганиб, суд албатта ўз одил ҳукмини чиқаради, деган умиддамиз. Фақат шуни эслатмоқчиманки, ҳар қандай келишмовчиликларни ҳам тинч йўл билан ҳал қилиш борасида жуда катта халқаро тажриба тўпланган. Биз ўз ҳаққимизни талаб қилишда тинч йўл билан ҳал этиладиган усулларни бир-биримизга ҳамиша ўргатиб боришимиз ва қўллашимиз керак.

— Ўзбекистон ХДПнинг талабалар орасидаги таъсири ҳақида нималарни айта оласиз? Аниқроғи, ХДП Тошкент шаҳар ташкилоти ҳисобида талабалар борми?

— Афсуски, талабалар орасида бизнинг таъсиримиз қониқарли эмас. Тошкентлик талабалар орасида партиямизга хайрихоҳ бўлган ёшлар кўп албатта, лекин партиямиз сафида уларнинг сони бугун кун талабига мувофиқ эмас.

Биз олий ўқув юртлари раҳбариятлари ва ҳокимият билан ҳамкорликда талабаларга ўз муаммоларини маданий йўл билан ечишда қўлимиздан келганча ёрдам бермоқчимиз.

Шунинг учун ҳозир биз талабалар ва шифокорлар шаҳарчаларида ташкилотимизнинг маҳаллий тизимини тузиш ҳақида ўйланяпмиз. Лекин, бу тизим албатта, ўқув юртларини партиядан ҳоли этиш ҳақидаги Президент фармонига асосланиб ҳаракат қилиши шарт.

— Талабалар шаҳарчасидаги муаммолар, уларнинг ечими, албатта у ерда иш олиб бораётган мутасадди ходимларнинг талабаларга қанчалик яқинлигига, уларнинг дилидаги ниятларни қанчалик аниқ тасаввур қилишига боғлиқ. Шу йўналишда қандай чоратадбирлар қўлланиш мақсадга мувофиқ бўлади?

— Талабалар шаҳарчаси муаммоларини ечишда энг чуқур ва нуфузли чора — шу мавзега Тошкент шаҳрининг алоҳида маъмурий райони мақомини бериш. Ҳозир Вазирлар Маҳкамаси мана шундай лойиҳа устида иш олиб бораяпти. Лекин бу чора ҳақидаги муҳокамада, район маъмурияти ҳақидаги Низомни тузишда, албатта, ёшлар ҳам бевосита иштирок этишлари керак.

Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, шаҳарча маъмурияти талабалар билан келишилган ҳолда шакллантирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Таҳририятимизга партия кенгашларидан собиқ коммунистларнинг ХДП сафларига ўтиши давом этаётгани тўғрисида хабарлар келиб турибди. Бу жараён яна қанча давом этади?

— Ҳа, бугунги кунда Компартиянинг собиқ аъзолари қайта рўйхатга олиш ҳақидаги аризалари асосида Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига ўтишлари мумкин. Бундай ҳолда Компартия сафидаги стажлари умумий партия стажи сифатида сақланиб қолади. Умумий партиявий стаж Ўзбекистон ХДП муваққат гувоҳномасига, ундан кейин эса — партия билети ва карточкасига ҳам ёзиб қўйилади.

Лекин, вақт ўтиб боряпти, партиямиз ташкил топганига ҳам уч ойдан ошди. Марказий Кенгаш собиқ коммунистларни қайта рўйхатга олиш муддатларини чеклаш масаласини кўриб чиқиши вақти келди, шундан сўнг қабул қилинувчилар учун умумий партия стажи ҳисобга олинмаса керак, деб ўйлайман.

— Ўз вақтида оммавий ахборот муассасалари Компартия мулкига кўп эътибор беришган. Тошкент шаҳрида шу масалалар қандай ҳал этилмоқда?

— Бугунги кунда Тошкент шаҳрида бу масала кун тартибидан олинган. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар ташкилотининг тахминан 87—88 фоиз мулкидан давлат органлари ёки ундан бошқа ташкилотлар фойдаланяпти. Собиқ райкомларнинг бинолари, автомашиналар, жиҳозлар, ускуналар — ана шулар жумласидандир. Шаҳар партия ташкилоти ихтиёрида жуда кам миқдорда, энг зарурларигина қолдирилди.

— Рўзномамиз мухлисларига қандай тилакларингиз бор?

— Мухлисларга соғлиқ, тинчлик ва келажакка ишончли ишонч ҳамроҳ бўлсин. Республикамиз ўта машаққатли босқичдан ўтаётган бир пайтда умумхалқ сайловида Президентлик лавозимига сайланган бизнинг партиямиз Раиси Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида олиб борилаётган сиёсат муваффақиятига бўлган ишончни йўқотмасликларини тилайман.

Сифатли маҳсулот — ишчи обрў-эътиборини ошираётган бош омил. Дилбар Бобоёрова ҳам чеварликда яхши тажриба тўплаган. У ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг ҳаммаси аъло сифат билан қабул қилиб олинмоқда.

Суратда: «Динамо» (Самарқанд) тикувчилик фабрикасининг пешқадам чевари Дилбар Бобоёрова.

Суратқаш Ғ. АЛИЕВ.

ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ ИШИНИ ЖОНЛАНТИРАЙЛИК

ХДП Қашқадарё вилоят кенгашида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва район кенгашлари партия гуруҳлари раислари ва ҳамраисларининг семинар кенгаши бўлиб ўтди. Вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби И. Козимов жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида кенгашлардаги депутатлар партия гуруҳларининг вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Семинар кенгаш қатнашчилари ўзаро тажриба алмашдилар. ХДП Қарши шаҳар, Қамаши, Деҳқонобод, Китоб район кенгашларининг биринчи котиблари партия фракциялари, депутатлар гуруҳлари фаолиятини ташкилий ва ҳуқуқий ишлаб чиқиш, уларнинг доимий комиссиялар билан алоқасини мустаҳкамлаб бориш ҳақида ўз фикрларини айтдилар, дуч келинаётган муаммоларга тўхталдилар.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

Семинар-кенгашда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, халқ депутатлари вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Р. Раҳмонов иштирок этдилар.

КОТИБЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон ХДП Яккабоғ район кенгашида бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ўқуви бўлди. Унда район партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Юсупов ҳозирги шароитда партиянинг роли ва вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

ХДП район кенгашининг котибаси С. Бекмуродова Ўзбекистон ХДП Дастури ва Низомининг шарҳи, унинг бажарилиши борасидаги вазифалар тўғрисида, район партия кенгаши ташкилий ва мафкура бўлими мудири К. Туропов ХДП Марказий Кенгашининг партия иш юритиш ҳужжатлари лойиҳалари ва аъзолик бадалларини тўлаш ҳақидаги йўриқномаси тўғрисида, сектор мудири М. Муҳаммедшина партия сафига янги аъзолар қабул қилиш ва уларнинг аризаларини расмийлаштириш тартиби, «Ленин учқуни» жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби М. Сандов ХДП сафларига янги аъзолар қабул қилиш борасидаги дастлабки тажрибалар ҳақида гапирдилар.

Бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ўқуви вилоятнинг бошқа шаҳар ва район партия кенгашларида ҳам бўлиб ўтди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Андижонда вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик зарур моллар билан таъминлашга алоқадор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, турар жойларда аҳволни барқарорлаштиришга, маҳаллий маъмурлар, жамоат ташкилотларнинг дин арбоблари ва диндорлар билан ўзаро алоқаларини яхшилашга қаратилган тушунтириш ишларини кенг авж олдиришга доир тадбирлар белгиланди.

Нарх-наволар эркинлаштирилаётган даврда озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва шаҳарлар ҳамда районларда аҳоли барча табақаларини ана шу нарсалар билан узлуксиз таъминлашга қаратилган ички имкониятларни излаб топиш юзасидан вилоятдаги барча манфаатдор ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш жуда зарур эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Қ. Х. Холмирзаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ)

Лавҳа

ТИЛ—ДИЛ КАЛИТИ

Бу ўқув даргоҳига кираверишда «Ане ка кам кал пар мат чҳорої» шиори осилган. Бу урду тилида «Бугунги ишни эртага қўймаі» дегани экан. Тошкентдаги Абдулла Авлоний номли урду тилига ихтисослашган 156-ўрта мактабда бўлганимизда илк ўрганиб олган сўзларимиз шу бўлди.

Мактабга кираверишдаги деворий рўзномалар, шиорлар киши диққатини жалб этади. Кенг даврада шўх куй ва қўшиқлар янграйди. Биз икки тил дўстлигига бағишлаб ўтказилаётган тантаналарнинг гувоҳи бўлдик. Эътиборимизни тортган яна бир нарса шу бўлдики, даврада янграётган ҳар икки шеър, қўшиқ ва рақснинг бири урдуча эди. Бамисоли Покистоннинг бир парчаси ўзбеклар диёрига кўчиб келгандай. Кўрик сўнгида мактаб ўқув ишлари бўйича мудираси, урду тили ўқитувчиси Мунира Тўлагановани суҳбатга тортдик:

— Мактабимизда урду тили ўттиз йилдан бери ўқитиб келинади. Мактабимиз республикадаги шу хилдаги намунали жамоалардан бири десак хато бўлмайди, — дейди Мунира опа. — Урду тили бизда 2-синфдан бошлаб гуруҳларга бўлиб ўқитилади. Улардаги ўқувчиларнинг сони ўнтадан ошмаслигига алоҳида аҳамият берганмиз. Тўққизта урду тили хонаси ва иккита алоҳида лингафон бўлмаси бор.

Мактабни айланганимизда эшикларига урду тилида ёзилган синфхоналарда математика, физика, рус тили дарслари ўтилаётгани бизни ажаблантирди. Сабабини сўраганимизда «болалар урду тилини чуқурроқ ўрганишсин», деб шундай қилганмиз, деб жавоб беришди. Деворлардаги ибратли сўзлар ҳам шу тилда ёзилган, ҳатто баъзи ўқитувчилар ҳам ўз фанларини урду тилида ўтишга ҳаракат қилишар экан.

Муаммоларимиз ҳам анчагина, — гапида давом этди Мунира опа. — Дарсликлар йўқ ҳисоби. Яқинда Тошкент Шарқ тиллари институти доценти Тошмирза Холмирзаев билан биргаликда 9, 10, 11-синфлар учун дарслик ёзиб тугатдик. Бироқ у ҳам 1993 йилдагина босмадан чиқади.

Мактабда байналмилал дўстлик клуби ташкил этилган. У Покистоннинг прогрессив шоири Файз Аҳмад Файз номида. Клуб аъзолари кўпгина чет эл мамлакатлари билан дўстлик алоқалари ўрнатишган.

— Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг кўчма вимпели уч йилдан бери мактабимизда, — дейди М. Тўлаганова клубнинг ноёб экспонатларини бирма-бир кўрсатар экан. Энди Покистондаги мактаблар билан бевосита бордикелдини йўлга қўймоқчимиз. Ўтган йили Покистонга борган делегациядан дўстлик алоқаларини ўрнатишни таклиф қилиб, мактуб бериб юборган эдик. Ўша хатимизга Покистон мактабларининг биридан жавоб олдик. — Унда таклифимиз қабул қилиниб мактабимиз ўқувчилари меҳмонга чақирилган.

1989 йили Покистоннинг СССРдаги элчиси Абдул Саттор ва Тинчлик комитети раиси Сираж Халил мактабимиз меҳмони бўлишди. Улар катта таассуротлар билан қайтиш олдидан мактаб ҳурматли меҳмонлари китобига ўз дил сўзларини ёзиб қолдиришган эди. Жумладан, унда шундай сўзлар бор: «Иншоолоҳ, шу мактаб ўқувчилари катта бўлгач, Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари ўқишларига омад, ишларида эса катта ютуқлар тилайман.

Абдул САТТОР.
Покистоннинг СССРдаги элчиси, 11 май 1989 йил».

Биз ҳам ҳурматли элчининг гапларига тўла қўшиламиз ва тил билган дил билади, деймиз. Зеро, тил—дил калитидир.

Ш. ҚУРБОНОВ,
ТошДУ журналистика нуллиёти талабаси.

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси автомобиль корхонаси жамоаси иморатларнинг тез қуриб битказилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўттиз йилдан буён бинокорлик материаллари ташиб, қурувчиларнинг ҳурмат-эътиборини қозониб келаётган Султон Маҳкамов ва Зойир Қорабоевларни ҳар бир қурилиш жамоаси ҳурмат қилади.

Суратларда: юк машиналарининг моҳир ҳайдовчилари С. Маҳкамов (чапдан) ва Зойир Қорабоев.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

ТАДБИРКОРЛИК САМАРАСИ

Оқ олтин дон маҳсулотлари комбинати жамоаси қаровсиз ҳолда ётган Шўркўл кўлини ўз тасарруфига ўтказди. Сайхунобод районида жойлашган бу кўл атрофини сим тўр билан ўраб, ондатра ва нутрия фермасини ташкил этдилар. Жиззах вилояти Арнасой районига қарашли кўллардан яна 600 дан зиёд ондатра ушлаб келтириб, кўлга қўйиб юборилди. Жониворларнинг сони ҳозир тобора кўпайиб, бир неча мингдан ошиб кетди. Келгуси йилдан бошлаб жониворларни тутиш бошланади. Ҳозир уларнинг қимматбаҳо терисини қайта ишлаш учун цех қурилмоқда.

Шунингдек, кўлда балиқчилик хўжалиги ҳам ташкил этилиб, «оқ амур» балиғи парвариш этиляпти. Аниқ ҳисоб-китобларга қараганда бу ерда бир миллион 200 мингта жонивор мавжуд. Бундан ташқари ўрдакчилик фермаси ҳам ташкил этилди. Фермада тўрт минг бош ўрдак мавжуд. Яқинда ҳар бири тўрт минг бош жўжа очиб чиқарувчи бешта инкубатория харид этилди. Бу корхона жамоаси ва вилоят аҳолиси учун парҳез таомлар учун ўрдак гўшти етказиб берилади, деган гап.

А. НОРҚУЛОВ.
Сирдарё вилояти.

• Маҳалланг—ота-онанг

ЎЗ МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН

● Андижондаги «Навбаҳор» маҳалла комитети хўжалик ҳисобига ўтди. У январь ойи бошларидан хўжалик юритишнинг янги шакллари шароитида ишламоқда.

Бу ерда илгари раис билан котибгина шаҳар ижроия комитетидан маош оларди, комитетнинг ўзида ҳеч қандай маблағ йўқ эди. Фаоллар маиший масалаларни ҳал қилиш, муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун жуда кам имкониятга эга эдилар. Навбаҳорликлар ишни қайта қуришга қарор қилиб. Намангана, «Мингчинор» маҳалласига бориб келишди. Бу маҳаллада янги шароитда ишлаш борасида анча тажриба тўпланган эди. Шундан кейин Тошкент давлат иқтисод дорилфунуни Андижон бўлимидан иқтисодчи олимларни таклиф қилиб, улардан хўжалик ҳисобидаги жамоат ташкилоти дастури ҳамда низомини ишлаб чиқишда ёрдам сўрадилар.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг сессияси бу яхши ташаббусни қўллаб-қувватлади. Энди кичик корхоналар, ишлаб чиқариш кооперативларининг жамоалари, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган кишилар маҳалла комитети билан тузилган шартнома асосида иш олиб боришмоқда, даромадларининг бир қисмини унинг ҳисобига ўтказишмоқда. Маҳалла комитети ўз навбатида ишбилармонларга патентлар бермоқда, уларни зарур ҳужжатлар билан таъминламоқда, амалда ёрдам кўрсатмоқда.

Комитет маблағ пайдо бўлиши билан маҳаллада рўзғор асбоблари, узоқ фойдаланадиган ашёларни ремонт қилиш устахоналарини, пулли тиббиёт пунктини очди. Касаначилик ривожлантирилмоқда.

— Ўз монтёрларимизга, сувчиларимизга, сантехникларимиз, тиббиёт ходимларимизга ўзимиз маош тўлайдиган кун яқинлашиб қолди, — дейди маҳалла комитетининг раиси Ф. Ҳакимов.

Андижондаги яна учта маҳалла комитети ҳозир хўжалик ҳисобига ўтиш учун тайёрланмоқда.

К. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ИЖРОНИ ТЕКШИРАДИ

ТЕЛЕФОН МАШМАШАСИ

ЁКИ НУКУС ШАҲРИДА АЛОҚА ВОСИТАЛАРИНИНГ НОСОЗЛИГИГА БЕФАРҚ ҚАРАЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Сир эмас, барчамиз у ёки бу хабарни етказиш, бирор юмушни тезроқ битказиш, хуллас узоқни яқин қилиш мақсадида кўпинча телефон хизматидан фойдаланамиз. Лекин кейинги пайтда жойларда алоқа хизматининг бу турига эътибор сусайиб кетди. Бевосита мутасадди бўлган ташкилотлар эса бозор иқтисодиёти қийинчиликларини рўкач қилиб, ишни ўнглашга шошилишмаяпти.

Нукус шаҳридаги телефон хизмати тармоқларида ҳам шундай ачинарли ҳол юз бермоқда. Бу ерда ишламай қолаётган телефонлар сони кун сайин кўпайиб боряпти. Айниқса, шаҳарнинг чекка мавзеларида, Ғишт заводи, «Ўроқ-Болга» қўрғонларида истиқомат қилувчи аҳоли хонадонларида телефонлар тез-тез ишдан чиқиб турибди.

Ҳозир шаҳарда 8 та автомат телефон станциялари мижозларга хизмат кўрсатяпти. Бироқ уларнинг аксариятида мунтазам иш фаолияти таъминланмаяпти. 2-АТС ва 4-АТСлар умуман ишдан чиқиб қолган. Ушбу станциялар 1960 йили қурилган бўлиб, улардаги барча ускуналар маънавий эскирган, эҳтиёт қисмлар ҳам етишмайди. Бу станцияларда тегишли ҳаво линиялари узиб қўйилган, ер ости кабеллари яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Шаҳардаги бошқа АТСлар аҳволи ҳам мушкул. Кунига аҳолидан ўз телефонларини тузатишларини сўраб 150—200 дан зиёд буюртмалар тушяпти. Буюртмаларнинг кўпчилиги эса бажарилмасдан қолмоқда. Тўғри, мутахассислар таъкидлаганидек, тармоқда малакали кадрлар етишмаслиги ҳам ишнинг ўнгланишига жиддий таъсир кўрсатяпти. Бироқ менимча, шаҳар алоқа хизмати раҳбарларининг ўз вазифаларига совуққонлик билан қарашлари, ишни бугунги кун даражасида ташкил қила олмаётганликлари бунга сабаб бўлмоқда.

Сирасини айтганда, бундай дейишимизга асос бор. Биз шаҳар телефон станцияси бошлиғи Ш. Асаметдинов, Қорақалпоғистон Республикаси алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси (ПТУС) бош муҳандиси Қ. Сапарбоев билан учрашиб, телефон хизматидаги камчиликлар тўғрисида сўз очганимизда, улар жўяли бир жавоб ҳам бера олишмади. Мутасадди раҳбарлар «Бизда ер ости сувлари яқин, бинобарин шўр сув кабелларни тез ишдан чиқармоқда. Бунинг устига кабель линияларини кесиб кетишяпти. Уларни алмаштириш учун кабель йўқ» дейишдан нарига ўтишмади.

Хўш, кабелларни шўр сувдан ҳимоя қилиш ёки уларни кесиб кетишнинг олдини олиш мумкин эмасми? Албатта, мумкин. Лекин бунинг учун жон куйдириб ишлаш, изланиш ва зарур эҳтиёт қисмларни топиш керак.

Шўр сувдан сақланишга келсак, 1986 йилда тегишли қарор қабул қилиниб, унда Нукус шаҳрида 80 та вертикал қудуқлар қазиш ва 35 километрлик ёнлама дренажлар барпо этиш, Қизкеткен каналини 15 километрлик масофада темирбетон билан қоплаш вазифалари белгиланганди. Шу ишни бажарувчи ташкилотлар рўйхатига алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси ҳам киритилганди. Афсуски, ҳукумат қарори қоғозда қолиб кетди. Мутасадди ташкилотлар ҳанузгача бу ишни бажаришмади.

Тўғри, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши 1990 йил июнь ойида бўлган ўз раёсати йиғилишида меҳнаткашлар талабларини ҳисобга олиб, «Мухтор жумҳуриятда шаҳар телефон тармоқларининг қониқарсиз иши ва улар фаолиятини яхшилаш тадбирлари ҳақида» тегишли қарор қабул қилди. Ушбу қарорни ижро этиш мақсадида махсус комиссия тузилди. Комиссия аъзолари алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси раҳбарлари фаолиятини текширди. Ушбу комиссия хулосалари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги коллегиясида ҳам кўриб чиқилди. Тегишли амалий чоралар кўрмаганлиги учун ПТУС бош муҳандиси А. Ембергенов вазифасидан бўшатилди.

Шундан кейингина қарорда белгиланган тадбирларни амалга оширишда оз бўлса-да силжишга эришилди. Жумладан, Нукус-Мўйноқ оралиғида телефон алоқаси йўлга қўйилди. Бошқарма бўйича тариф даромадлари режаси ҳам ошириб бажарилди.

Бироқ шаҳар телефон тармоқлари ишини яхшилашнинг асосий муаммолари ечилмасдан қолди. Масалан, эски автомат телефон станцияларини таъмирлаш, иншоотларни замонавий техника ускуналари билан жиҳозлаш, зарур эҳтиёт қисмлар келтириш масалалари ҳал бўлмади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги тегишли маблағлар ажратмаганлиги, эҳтиёт қисмлар етказиб бермаганлиги ҳам сабаб бўлди.

Иккинчидан эса бошқарма мутахассислари «маблағ ажратилса, эҳтиёт қисмлар келтирилса ишлаймиз» қабилида иш тутишди. Тадбиркорлик ва ташаббускорликка ҳам, ички имкониятларни излашга ҳам эътибор берилмади. Натижада телефон хизмати «эски ҳаммом, эски тос» тарзида қолаверди.

Очиғи, бугунга келиб Нукусда телефон хизмати станцияси фаолияти кўпчиликни қониқтирмаяпти. Эндиликда телефон машмашасидан чарчаган кишилар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши саноат, алоқа бўлимининг тегишли чоралар кўришидан умидвор бўлиб туришибди.

Кўрайлик-чи, бу ёғи нима бўларкин?

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

МУДОФАА ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Кунн кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртлари тўғрисида» қарори эълон қилинди. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири генерал-майор Рустам АҲМЕДОВ билан суҳбатлашди.

— Рустам Ўрмонович, мустақил республикамизнинг мудофаа ишлари ҳақида фикр юритар эканмиз, ана шу қарорнинг қабул қилинишига сабаб бўлган тарихий вазият ҳақида тушунтириб берсангиз.

— Жамиятнинг давлат тузилишида юз берадиган туб ўзгаришлар чоғида янгича шарт-шароитлардан келиб чиқиб, Қуролли Кучлар қандай шакилланади, уларнинг фаолиятини қайта ташкил этиш қай йўсинда олиб борилади, умуман ҳарбий ислоҳотнинг тақдири нималардан иборат эканлиги масаласини ҳаёт кўндаланг қилиб қўяди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган республикалар раҳбарларининг Олмаота, Минск ва Москвада бўлган учрашувларида ҳам шу ҳақда қизғин баҳс борди. Қарама-қарши фикрларга қарамай, маълум келишувга эришилди. Давлатлар бошлиқлари Кенгашига бўйинсунувчи ягона қўмондонлик стратегик ядро кучларини идора этишни ўз қўлига олиши ҳақида бир мақсадга келишилди.

Ҳозирги пайтга келиб оддий Қуролли Кучлар бўйича масалаларни ҳал этиш қийин кўчмоқда. Шу йилнинг 17 январида Москва шаҳрида бўлган Бутунармия офицерлари йиғилиши буни яққол кўрсатди. Бу йиғилишнинг якунлари ҳақида кўп гапирилди ва ёзилди. Ана шу йиғиннинг иштирокчиси сифатида шуни айта оламанки, бу йиғин ўз моҳият-эътибори билан Қуролли Кучларининг барча масалаларини ҳал этишга қодир эмас. Бундай масала мавжуд ҳолга келиб қолган сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчиларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқлари даражасида ҳал этилиши шарт. Бу ҳозирги пайтда бирмунча амалий ва тўғри йўлдир. Фақат музокаралар, пухта ишлаб чиқилган келишувлар, аҳдлашувлар йўли билан боши берк кўчадан чиқиш ва Ҳамдўстлик мудофаа қобилияти, Қуролли Кучлар истиқболини таъминлаш масалаларини ҳал этиш мумкин.

— Ўзбекистон Республикаси вужудга келган вазиятда ҳарбий масалаларни ҳал этишга қандай ёндошмоқда?

— Маълумки, ўтган йилнинг 30 декабрида Минск учрашувида ҳар бир давлат ўзининг Қуролли Кучларини ўзи яратиши ва бир қатор республикалар бу ҳуқуқдан аллақачон фойдаланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси ҳам шу кунларда ўзининг Қуролли Кучларини вужудга келтириш йўлини танлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январда қабул қилган қарорига мувофиқ, собиқ СССР Қуролли Кучларининг республика ҳудудида жойлашган қисмлари, қўшилмалари, бирлашмалари, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалари, ташкилотлари ва бошқа ҳарбий тузилмалари Ўзбекистон Республикасининг юрисдикциясига олинди. Стратегик кучлар таркибига кирадиган ва Қуролли Кучларнинг бирлашган қўмондонлигига бўйсунадиган ҳарбий қисмлар бундан мустаснодир.

— Нима учун бундай йўл тутишга мажбур бўлинди?

— Биринчидан, ижтимоий-сиёсий вазият тубдан ўзгариб кетди. Аввалги ягона давлат — СССР эндиликда мутлақо барҳам топди, бунинг ўрнига янги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркиб топди. Унга аъзо бўлган республикалар сиёсий, иқтисодий, социал ва бошқа масалаларни ҳал этишда тўла мустақилликни қўлга киритдилар. Республикалар шунингдек, ҳарбий масалаларни ҳал этишда ўзларича янгича ёндошадиган бўлдилар. «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонундан келиб чиқиб мустақил Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳуқуқи ўз-ўзидан қўлга киритилди. Мустақил Қуролли Кучларни яратиш — Ўзбекистон халқининг ўзи белгилаган ҳоҳиш-иродасидир. Шундай қилиб Қуролли Кучлар Ўзбекистон Республикаси давлати ва мустақиллигининг ажралмас мулкига айланиб қолади.

Бундай қарор қабул қила туриб биз ана шу масаланинг барча мураккаблигини ёки унинг нафақат техник жиҳатларини, балки минг-минглаб одамларнинг тақдирини қамраб олишини жуда яхши тасаввур этяпмиз. Қуролли Кучлар ташкил этилиши учун биз астойдил бел боғлаган эканмиз, бунда аввало республика, шунингдек, Ҳамдўстлик давлатларининг мудофааси, сиёсий-иқтисодий манфаатларини иложи борича ҳисобга олган қонун-қоидаларга асосландик. Республикалар ўртасида жамоа хавфсизлик манфаатлари вужудга келиши, сиёсий ва иқтисодий алоқаларни (ягона стратегик кучлардан ташқари) Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқлари аъзо бўлиб кирадиган Мудофаа Кенгаши раҳбарлигига бўйсинувчи Ҳамдўстлик Бирлашган Қуролли Кучлари доирасида ташкил этилиши, ҳар бир республика ўзининг Қуролли Кучларини яратиш мумкинлигини тан олувчи коалицион ҳарбий доктрина ишлаб чиқилишини давр тақозо этмоқда. Бирлашган Қуролли Кучлар фаолиятини бошқариш учун бизнингча, ҳарбий сиёсат ва ҳарбий қурилиш масалаларини ишлаб чиқишда фаол қатнашадиган, Мудофаа Кенгаши тайинлайдиган Бирлашган Қуролли Кучлар Бош Қўмондони ташкилотлари фаолиятини назорат қиладиган мустақил давлатлар мудофаа вазирлари Кенгашини ҳам тузиш керакдир. Афтидан коалицион ҳарбий доктринанинг янги мазмуни ҳарбий ислоҳотнинг асосий омилларини ишлаб чиқишни ҳам қамраб олмоғи лозим. Фикримизча унинг асосий мақсади ҳамдўстлик, шунингдек алоҳида олганда ҳар бир республиканинг ишончли ҳимоя манфаатларига баркамол жавоб бера оладиган бўлиши лозим. Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, Республика Қуролли Кучлари тизимини ҳам ишлаб чиқмоқдамиз. Улар сон жиҳатдан ихчам, қўллаш бўйича ҳаракатчан, юксак жанговар бўлмоғи керак. Афтидан мустақил Қуролли Кучлар яратиш учун ўтиш даври лозим бўлади.

— Бу ишни амалга оширишда қандай омилларга суянилади?

— Қуролли Кучлар тизимини ишлаб чиқиш жараёнида биз биринчи навбатда республикамизнинг молиявий имкониятлари, сафарбар этилиши мумкин бўлган манбалар мавжудлигини чуқур ҳисобга олиб иш кўряпмиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг раҳбарлиги остида бўладиган Қуролли Кучлар ҳудудимизда жойлашган Туркистон Ҳарбий округи қўшилмалари ва қисмлари негизида таркиб топади. Улар ўз таркибига кўра тўсатдан юз берадиган вазифаларни зудлик билан ҳал эта оладиган армия бўлинмалари ва қисмларидан иборат бўлади. Ҳозирги пайтда Миллий гвардияни ҳам тузиш ишлари олиб борилмоқда. Катта ишлар ҳали олдинда турибди. Яна бир бор айтиш мумкинки, биз босқичма-босқич, ҳар бир масала устида чуқур мушоҳада юритган ҳолда иш олиб борамиз.

— Бунинг учун ҳарбий фаолиятни амалга оширишда лозим бўладиган ҳужжатлар ҳам яратиладими?

— Ҳозирги пайтда Қуролли Кучларни яратиш билан боғлиқ масалаларнинг бутун мажмуасини қамраб олувчи норматив ҳужжатлар қизғин ишлаб чиқилмоқда. Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг мудофааси тўғрисидаги қонуни, умумий ҳарбий бурч тўғрисида қонун, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибида зобитлик ҳарбий хизматини ўташ тўғрисида низом ва бошқа ҳужжатлар бор.

Қонунлар ва қарорлар мажмуаси қабул қилиниши билан республика Қуролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми таъминланади. Мудофаа вазирлиги кадрлар сиёсати масаласига алоҳида эътибор беради. Республика Қуролли Кучлари таркиби ўз тавсифига кўра байналмилал бўлиши кўзда тутилмоқда. Унинг сафларида Ўзбекистон Республикасининг барча қонунларини бажарадиган, унинг давлат манфаатларини ҳимоя этишга кўнгилли бўлган кишиларгина хизмат қила оладилар. Яна бир муҳим жиҳат: қуролли кучлар ҳарбий қасамини қабул қилсак, тўғри иш қилган бўламиз, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси ўз томонидан барча ҳарбий хизматлар, ҳарбий ташкилотлар ишчи ва хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларини, шунингдек собиқ СССР Мудофаа вазирлиги фахрийларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлайди.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» махсус мухбири Абдулла ПЎЛАТОВ ёзиб олди.

КУН ТАРТИБИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОСИ

Тошкентда ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қўмитасининг мажлисида «Давлат санитария назорати ҳақида» Қонун лойиҳаси тўғрисидаги маърузалар тингланди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, республика Давлат бош санитария врачи Т. Искандаров ва Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг муовини Ф. Фузайлов Қонун лойиҳасига жиддий ўзгартишлар киритиш ва уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясига олиб чиқиш хусусида тўхталдилар. Қўмита аъзолари Қонун лойиҳасига оид ишларни давом эттириш, рўзномаларда чоп этилгандан сўнг умумхалқ муҳокамасини йўлга қўйиш ва унда билдирилган фикр-мулоҳазаларни ўрганиш лозимлигини уқтирдилар.

Кейинги йилларда республиканинг бозор муносабатларига ўтиш даврида хотин-қизларнинг аҳволини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи муовини Д. Ғуломованинг ахбороти тингланди. Қўмита аъзолари хотин-қизлар қўмитаси ишини янада яхшилаш, юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қўмитаси енгил саноат корхоналарида ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат ва дам олишни ташкил этиш бўйича муайян ишларни амалга оширди. Жумладан, Бухоро, Тошкент тўқимачилик комбинатлари, Тошкентдаги «Юлдуз», «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа вилоятлар енгил саноат корхоналарида ишлаётган аёлларнинг шароитлари, ижтимоий муҳофазаси чуқур ўрганилди. Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Ҳ. Усмонованинг қисоботи тингланди.

Мажлисда қўмитанинг бу йилги фаолияти режаси ҳам тасдиқланди.

• Меҳнат жамоаларида •

ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТЛАР

Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бозор иқтисодиёти шароитида ғайрат билан меҳнат қиляпти. Айниқса, ижара пудрати усулида ишлаш корхонага самара келтирмоқда.

Ҳозир бу ерда 30 дан зиёд турдаги бежирим пойабзал маҳсулотлари тайёрланяпти. Яқиндан бошлаб мавсумбоп пойабзаллар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Жумладан, корхонада тикилган эркаклар ва аёллар қишки этиклари харидорларга маъқул тушмоқда.

Пойабзалчилар ҳар ойда савдо шахобчаларига 300 минг сўмлик маҳсулот етказиб беришяпти.

Ш. КЕЛДИЕВ, Андижон вилояти.

ЁРДАМ ПУЛИ 60 МИНГ СЎМ

Навоий кон-металлургия комбинати шаҳардаги кўрлар жамиятига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси бинолари ни ўз маблағи эвазига таъмирлаб берди. Ремонт ишлари қисқа муддатда сифатли қилиб бажарилди.

Металлурглар бозор муносабатлари шароитида ўқув-ишлаб чиқариш корхонасининг кам таъминланган оилаларини, меҳнат фахрийларини ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашди. Комбинат жамоаси кўрлар жамиятига қарашли корхона ҳисобига 60 минг сўм ёрдам пули ўтказди.

А. ҲАЙДАРОВ, Навоий области.

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

Бухоро яқинидаги Фрунзе номли совхозда ғайритабиий тажрибалар бошланди.

Вилоят «Биоусул» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари тупроқда чувалчанглар ёрдамида чиринди ларни кўпайтириш усулини ишлаб чиқишмоқда.

Бу ерда кўпайтирилаётган чувалчанглар Америкадан олиб келинган ва улар Калифорниянинг қизил чувалчанглари деб аталади. Бу чувалчанглар ўзлари яшаётган ерларда органик моддалар тўпланишига кўмаклашадилар.

(ЎзТАГ).

Октябрь районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигида кўкламга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Мавжуд 67 ҳайдов тракторининг 60 таси ва 16 та чизел таъмирлаб қўйилди. Суратларда: механизатор Собир Қудратов ўз агрегатини қисқа вақтда шайлаб қўйди. 2. Хўжалик устахонасида. У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

• Маданият. Маънавият. Масъулият

АНЖУМАН АРМОНЛАРИ

Ўзбекистон театрларининг жумҳурият анжумани якунланиши кўрсатилган вақтдан ўттиз минут олдин, яъни ўн яримда А. Ҳидоятов театрига етиб келдим. Ҳеч бўлмаса, якун куни одам кўп бўлар, байрам руҳи сезилар, деб ўйлагандим. Афсус... Театр эшиги олдида турган бир хизматчидан бошқани кўрмасам ҳам «наҳотки?» деб, ишонмай ичкарига кирдим. Вилоят театрлари вакилларидан 7—8 кишигина фойени айланиб, деворларга осилган суратларни томоша қилиб юришарди. Театр шаҳри ҳисобланмиш Тошкент актёр-актрисаларидан эса ҳали ҳеч ким йўқ. На Навоий театридан, на Ҳамзадан, на Муқимийдан биров кўринади. Театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси Б. Қориевани директор хонаси эшиги олдида маъюс ҳолатда учратдим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, «нима, ёпилиш вақти ўзгарганми?» деб сўрадим. «Йўқ, бошқа нарсани — маданиятга раҳбарлик тартибини, маданиятга муносабатни ўзгартириш керак, укажон, деди опа изтироб билан. Ўнда келувдим, кўрмаяпсизми, ўтириб туришга жой йўқ, ташкилий қўмита қўниб турадиган хонанинг эшиги қулф, соат ўндан бошлаб одамлар келишини билишмайдими, дастурда, ҳатто афишада ёзиб қўйганмизку...».

Ёниб дилини ёраётган уюшма раисининг ёнида на вазирликдан, на театрдан одам бор эди. Соат миллари эса ўн бирга яқинлашиб борарди...

Мен опанинг изтиробларини, куюнишларининг сабабларини тушуниб турардим. Алам қилади, ҳа, алам қилади...

Афиша ва таклифномаларда «Наврўз арафасида» деб номланган бу анжуманнинг ҳамкорликда ўтказилаётганлиги кўрсатилиб, ташкилотчилар Маданият вазирлиги ва Театр арбоблари уюшмаси деб ёзилган бўлсада, ижодий кўрик биринчи навбатда худди шу санъат фидойисининг жонкуярлиги, елиб-югуриши туфайли ташкил бўлди. Худди шу тинибтинчимас аёл раҳбарлигидаги уюшманинг сайъ-ҳаракати туфайли афишалар ўз муддатида чиқарилди, таклифномалар вақтида тарқатилди, меҳмонхоналардан жойлар буюртма қилиниб, вилоят вакиллари қийналмай жойлаштирилди. Ҳатто матбуот конференциясини ҳам уюшманинг ўзи ўтказди. «Ҳеч бўлмаганда анжуманнинг охирги кунида ёрдам беришар, Тошкентдаги барча театр жамоаларини, санъатшунослик, санъат институтларининг етакчи олимларини бу ерга таклиф қилиб, кўрикни тантанали тугатишга ҳисса қўшишар, имкониятдан фойдаланиб саҳна санъати ходимлари олдида турган муҳим, долзарб вазифалар ҳақида "икки оғиз бўлсаям гаплашиб олишни исташар», деб ўйлаганди, умид қилганди Бернора опа. Афсуски, умид армонга айланиб борарди...

Ниҳоят, ўн минут кам ўн бирда театрга Маданият вазирлиги раҳбарлари кириб келишди. Улардан бирортаси «нега одам кам?» ёки «байрам иси йўқ-ку?» демади. Сал олдинроқ пайдо бўлган вазирлик ходими бошлиқларнинг тик турганини кўриб, бир зумда стол-стул топиб келди. Ўтиришга таклиф этган эди, раҳбарлар «Ўзи вақт ҳам бўлиб қолди-ку» дейишди-да, опа билан залга киришди. Ҳар жой- ҳар жойда саноқли одамлар. Улар ҳам асосан вилоятлардан келган анжуман иштирокчилари. Тошкент театр жамоатчилигининг вакиллари сифатида А. Ҳидоятов театридан, Охунбобоев номли ёш томошабинлар театридан бир неча актёр-актриса. «Наврўз» театр-студиясининг бадиий раҳбари ва бир актрисаси, Катта Академик театрнимиздан эса, кўрик мукофотига сазовор бўлган рассом С. Фесько ўтирарди, холос. Телевидение мухбири анжуман директоридан ҳар жой-ҳар жойда, узуқ-юлуқ ўтирганларни олдинги қаторларга таклиф қилишни сўради. Бир киши, барибир эмасми, микрофон бор, эшитамиз, деганди, директор кечқурун «Ахборот»да кўрсатишаркан, ноқулай бўлмасин, деди. Тушунарли, деб баъзилар олдинги қаторларга ўтди.

Соат ўн бирдан ўн беш минут ўтди... Йигирма минут... Залдагиларнинг бошланмадими, вақт аллақачон бўлди-ку, деган саволига ҳайъат қарори машинкада кўчирилмаган экан, шуни тайёрлашяпти, ҳозир, ҳозир, деб жавоб беришди. Белгиланган вақтдан ўттиз минут ўтганда йиғилганларнинг сабри чидамади: қарсак чаларга саёҳат» комедияси режиссёрнинг, артистларнинг топқирлиги ва маҳорати туфайли томошабинни ушлаб туради, уларга завқ улашади. Бу — факт. Лекин, тарозига қўйилса, «Амир Темур» жиддий драмаси ҳам ундан асло кам тош босмайди...

Шу бонсдан таклиф қиламан: Ҳали асосий сайил ўтгани йўқ. «Амир Темур» спектаклини Халқаро «Наврўз» анжуманида дастурдан ташқари бўлса ҳам кўрсатиш керак!

— Менинг сўзларим ҳам шикоят эмас, эркимиз, ҳаддимиз сиғиб айтилган талаб, — дейди Каттақўрғон драма театрининг режиссёри Равшан Ёриев. — Биз, вилоятдагилар Тошкентга санъат сайлига келяпмиз, деб ўйлагандик... Биз, вилоятдагилар театримизда бўладиган тантаналарда ҳам энг аввало Маданият вазирлигимиз тўйбоши бўлишини хоҳлаймиз. Афсуски,. Гап келганда айтиб ўтай. Театримиз республикадаги кекса ижодий жамоалардан ҳисобланади. Саҳнамизда илк спектакль кўрсатилганига яқинда 70 йил тўлди. Ана шу тарихий санамизни нишонлай олмаяпмиз. Моддий ёрдам, маслаҳат сўраб, министрнинг ўзига учрашдим. У киши «аввал ҳомий топинг, кейин юбилей ҳақида гаплашамиз», дедилар. Наҳотки, катта бир республика, мустақил бир давлат Маданият вазирлигининг кучи кичкина бир тўйни ўтказиб беришга етмаса?...

Вазирликнинг кучи етади, дўстим, фақат ташкилотчиликдан қочмаса бўлди.

Ташкилотчилик, ташкилотчилик... Республика маданиятининг пешвоси анжуман якунланишидаги сўзида ҳозирги қимматчилик, алғов-далғовли кунларда шу тадбирни ўтказсакми, ўтказмасакми, деб анча ўйландик, одамларнинг кўнглига сиғармикин, деган хаёлга бордик, охири, келинг, ўтказамиз, халққа далда, таскин бўлади, кўнглини кўтаради, деган қарорга келдик, деган гапни айтди. Мутлақо тўғри қилинган. Айни кунларда шундай эзгу тадбирлар жудаям керак. Лекин улар кутилганидек, санъат, маданият байрамига айланмаса, беруҳ ўтса — бекорда. Бундай «совуқ»лик қачон кимга далда, таскин берган? Кимнинг кўнглини кўтарган? Армонлар улашиб кетган, холос.

Тилагимиз: анжуманлар армонли эмас, ардоқли бўлсин!

Юсуф БЕРДИЕВ.

Фарғона вилояти. Фрунзе ноҳиясида мактабгача тарбия муассасалари қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда бу ерда фойдаланишга топширилган 280 ўринли «Орзу» болалар боғчасида кичкинтойлар учун барча шарт-шароит яратилган.

Суратда: тарбиячи Зарифа Турғунова машғулот пайтида.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• СПОРТ •

МУНОСИБ ДАЪВОГАРЛАР

● МУСТАҚИЛ Ўзбекистон Республикаси спортчилари ҳам бўлажак йирик мусобақаларга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Маълумки бу йил Европа чемпионати, олимпиада ўйинлари ўтказилади. Яқинда Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қишки чемпионати иштирокчилари ҳам ўзига хос синовдан ўтдилар. Мусобақада республикамизнинг 15 нафар спортчиси қатнашди. Лангар билан сакровчи К. Семёнов иккинчи натижа кўрсатди. А. Хушмуродов 60 метрга югуришда маррада учинчи бўлди. Таниқли югурувчи Марина Шмонина эса 400 метрли масофани 52,24 секундда босиб ўтиб, бўлажак Европа чемпионатига муносиб номзод эканлигини амалда исботлади.

МАВСУМГА ҲОЗИРЛАНИШ

● ФАРҒОНАДА «Нефтяник» спорт клуби соврини учун анъанавий мусобақада тўрт футбол жамоаси мавсумга шайликни тобига етказишга ҳаракат қилмоқда. Кеча сўнгги учрашувлар бўлиб ўтди. «Пахтакор» футболчилари эса икки ғалаба, бир дуранг билан олдинда боришаётган эди. Биттадан ғалабага эришган «Помир» ҳамда «Нефтяник» жамоаларида иккитадан очко тўпланган. «Навбаҳор» битта очкога эга бўлиб турибди. Якунловчи учрашувлар «Пахтакор» — «Нефтяник» ҳамда «Навбаҳор» — «Помир» жамоалари ўртасида ўтказилди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ ДОРИЛФУНУНИ 4,5 ОЙЛИК ПУЛЛИК ИНТЕНСИВ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 15 февралдан бошланади.

Тайёрлов ўзбек ва рус тилларида математика, география ўзбек тили ва адабиёти, чет тилларидан: инглиз, немис, француз, усмоний ва турк тиллари бўйича олиб борилади.

Тайёрлов курсларга қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: иш (ёки ўқиш) жойидан справка, иккита сурат.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 12.00 — 17.00 гача қабул қилинади.

Ўқиш учун пул Тошкент шаҳар оператив бошқармасидаги 100141561 ҳисоб рақамига ўтказилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, — 63, Олмазор кўчаси, 183-уй, 6-корпус, 4-қават. Олий ўқув юртининг тайёрлов куллиёти.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети қошида ташкил этилган

«ИПАК ЙЎЛИ» ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАКТАБИНИНГ

БОШҚАРИШНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ БЎЛИМИГА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

Бу мактабда юқори малакали мутахассислар сизларга компьютерда ишлашни, алгоритм ва программалар тузишни ҳамда энг яхши ишлаб чиқаришда қўлланадиган программа пакетларини ҳисоблаш машиналарида қўллашни ўргатишади.

Ҳамма дарслар PC AT/XT машиналарида олиб борилади.

Ўқиш давомида Сиз компьютер сирларини чуқур ўрганасиз ва иш фаолиятингизда у сизга доим ҳамкор бўлади.

Мактабда ўқиш муддати, қайси группага киришингизга қараб бир ойдан беш ойгача.

Ўқиш ҳақи бир одамга бир ойга 5550 сўм ёки чет эл валютасида 500 доллар билан белгиланган.

Бизнинг манзилимиз: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-уй, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети «Ипак йўли» Халқаро бизнес мактаби.

Ахборот учун телефонлар: 45-44-62 информатика ва АСУ кафедраси;

Телефон: 45-49-59. «Ипак йўли» Халқаро бизнес мактаби директори.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА «ЎЗБЕКИСТОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА УНИВЕРСАЛ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ТОПДИ.

4 миллион сўмдан ортиқ низом жамғармасини вужудга келтирган 90 та йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар биржанинг муассиси бўлиб майдонга чиқдилар.

Жамият акционерлари орасида Ўзбекистоннинг барча вилоятлари Қорақалпоғистон Республикасининг вакиллари, жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги бошқа вазирликлар, маҳкамалар, агросаноат мажмуининг йирик корхоналаридан Тошкент вилоятидаги Свердлов, Ким Пен Хва номли ва «Ленин йўли» жамоа хўжаликлари, Фарғона, Андижон, Самарқанд ва республиканинг бошқа вилоятларидаги қатор қишлоқ хўжалик корхоналари Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академияси Деҳқонлар уюшмаси, Республика жамғарма банки, Ўзбекистон агросаноат банки, Москва мол биржаси ҳамда Белорус агросаноат биржаси ва бошқалар бор.

«ЎЗБЕКИСТОН» БИРЖАСИ ҚУЙИДАГИЛАРГА ҚАФОЛАТ БЕРАДИ:

ранг баранг қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларининг кенг кўлами;

етказиб бериш (таъминлаш)да — юксак интизом,

мўътадил нархлар;

биржа хизматларининг тўлиқ тўплами ва битимлар кафолати.

Биржа канали: (3712) 45-68-67, 45-87-58.

М. УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: саноат графикаси;

профессор, доцент; якка хонандалик ва анъанавий қўшиқ қўйлаш;

катта ўқитувчилар: мусиқали театр актёри, архитектураманзарали пластика ва бадиий керамика, рангтасвир.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН: 700031, Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй.

Сизда қандай янгиликлар бор?

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

ЯНА БИР БИРЖА

Бозор иқтисодиёти шароитида минтақаларо ва корхоналараро савдо-сотиқ асосан биржа орқали амалга оширилади.

Фарғона шаҳрида ташкил этилган «Камолот» кўптармоқли улгуржи маҳсулот биржаси ҳам шу мақсадларга хизмат қилади. Биржа вилоятда қишлоқ хўжалиги ишларини ривожлантириш, аҳолини зарур моллар билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшади. Янги биржанинг дастлабки савдо-сотиқ маросимида 160 турдаги 250 миллион сўмлик маҳсулот тавсия этилди. Брокерлар бу молларнинг анчагина қисмини харид қилишди. Биринчи савдо-сотиқ бозорига Тошкент, Термиз, Самарқанд ва Ўш вилоятларидан брокерлик ҳамда Афғонистон «Камгар» фирмаси вакиллари иштирок этдилар.

А. ИБОДИНОВ,

* * *

ТАЪМИНОТ МЕЗОНИ

Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий вазиятнинг кескинлашиши табиий.

Айниқса, аҳолини озиқ-овқат моллари билан таъминлашда бу кўпроқ кўзга ташланади. Бундай ноҳушликларнинг олдини олиш эса савдо тармоқлари ва назорат органларининг саъйи-ҳаракатларига боғлиқ. Шунинг учун аҳолини турли хил моллар билан таъминлашда ўзига хос мезоннинг бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Чунончи, Олмалиқ шаҳар ижроия қўмитасининг савдо муассасалари раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилиш ана шу масалага бағишланди. Турли тартибсизликларга йўл қўйган савдо шахобчаларининг раҳбарлари огоҳлантирилди. Йиғилишда савдо тармоқларидаги ишларни яхшилашга доир фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди, тажрибалар ўртоқлашилди.

А. МАННОПОВ,

* * *

«ШИФО» КОРХОНАСИ

Исириқ доривор ўсимлик. Табобат фани бу гиёҳнинг шифобахшлигини исботлаган.

Бундай гиёҳнинг хосияти ўзгача. Ҳавони тозалайди, касаллик қўзғатувчи турли микробларни қиради. Шу жиҳатдан қараганда исириқ солишни «хурофот» дейишга ҳеч қандай ўрин қолмаган. Республикада хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Комил Ризаев бошлиқ бир гуруҳ олимлар кичик корхона очдилар. Корхонага «Шифо» номи берилди. Бу ерда исириқдан кенг кўламда фойдаланишни осон йўли топилди. Бунинг учун гиёҳ барглари, гуллари ва шохлари майдаланиб, махсус қоришмалар ёрдамида шам тайёрланмоқда. У осон ва яхши тутайди. Бир зумда ёқимли исириқ ҳиди сезилади. Ҳид бир ҳафтагача хонада сақланиши мумкин. Шамга «Ором» номи берилган. Шундай қилиб, «Ором» кишилар кайфиятини кўтариб, кўпгина касалликларнинг олдини олишда муҳим восита бўлиб қолди. Шифохонада кунига 200—300 қути шам ишлаб чиқарилмоқда. Ҳар бир қутига 10 донадан «Ором» жойланган.

А. ҚУРОНБОЕВ,

НОИНСОФЛИК ЖЎҒРОФИЯСИ

Текинхўрга шафқат йўқ

Тошкент отчопарида ҳар якшанба куни бўладиган чайқов бозори нафақат республикамиз, балки бошқа жумҳуриятларга ҳам маълум ва машҳур. Бу ерда эрта тонгданоқ одамлар гавжум. Танга ташласангиз ерга тушмайди. Кимдир олгани келади, кимдир сотгани, яна кимдир чўнтак кесгани. Хуллас, ўғри ҳам шу ерда, тўғри ҳам. Юлдузни бенарвон урадиган «учарлар» кўзлари олазарак бўлиб ҳар бир харидорга шубҳа билан қарайди. Агар хоҳласангиз, Анқо қушнинг патидан тортиб, каптар сутигача топиб беришга тайёр. Собиқ Иттифоқ корхоналарида тайёрланган саноат моллари ҳам бугун «иззат-икромда». Бир кийимлик «Олтин балиқ» деб номланган аёллар газламаси минг сўм. Санкт-Петербургнинг «Скороход» туфлиси уч ярим минг сўм атрофида. Ереван пойабзаллари бир ярим, икки минг сўм. Аёлларнинг момиқ рўмоли беш минг сўм. Балки сизга чет элларда ишлаб чиқарилган маҳсулот керакдир? Марҳамат, «Адидас» фирмаси ишлаб чиқарган оёқ кийими саккиз минг сўмдан ўн минг сўмгача, Фарангнинг машҳур «Мисс Диор» ва АҚШнинг «Мистер—Д» фирмалари маҳсулотлари ўзаро рақобатда: атиги ўн, ўн беш минг сўм...

Хўш, бу ноёб маҳсулотлар бозорга қаердан келяпти? Чайқовчиларнинг «Сузуки», «Омакс», «Адидас», «Санйо» ёки «Румбикс» каби хусусий фирмалари йўқлиги ҳаммага маълум. Аслида, юқорида айтиб ўтилган камёб моллар бугунги кунда бўшаб ётган дўконларнинг пештахталарида сотилиши керак. Лекин ҳаммаси чайқовда. Ноинсоф чайқовчилар эса бирни ўнга пуллаб, текин бойлик орттирмоқдалар.

Хўш, улар бу молларни қаердан оляптилар? Савдо шахобчаларида қачон тартиб ўрнатилади? Ким уларни назорат қилади? Савдо ходимларининг мушугини пишт дейдиган мард борми? Қачонгача пештахталар бўм-бўш ётади?

КУПОНФУРУШЛАР

Маълумки, чайқовчилар вазиятга қараб мослашадиган халқ, республикамизда купон тизими жорий этилди-ю, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотларининг четга чиқиб кетишига ғов солинди. Бироқ чайқовчилар учун яна бир «чайқов манбаи» пайдо бўлди. Эндиликда улар купон билан ҳам чайқовчиликни бошлаб юборишди.

Яқинда Тошкент отчопарида она-бола Людмила ва Светлана исмли аёллар минг сўмлик купонни бошқа бировга сотиб турган пайтда қўлга тушдилар. Купонга «Ивановец» совхозининг муҳри урилган эди. Уларнинг тушунтиришича, бу купонлар уларнинг маошига қўшиб берилган эмиш.

Худди шундай воқеа Чорсудаги «Ўзбекистон» фирма магазини олдида ҳам содир бўлган. Калинин районининг Свердлов жамоа хўжалигидан келган М. Абдуллаева 100 сўмлик купонни сотиб турган пайтда милиция ходимлари томонидан ушланган. Унинг ёни тинтув қилинганда 1250 сўмлик купон чиққан.

Бундай воқеалар деярли ҳар куни содир бўлиб турибди. Бунинг заминида жиноий иш сезилмасада, бошқа жумҳурият фуқаролари бундай ҳожатбарор кимсаларнинг борлигига шукур қилиб, истаган молни харид қилиб олиб кетиши мумкин. Бу эса ўз навбатида республика раҳбарларининг фуқаролар ғамини еб, саноат ва бошқа маҳсулот турларининг четга чиқиб кетмаслиги тўғрисида олиб бораётган эзгу ишларига путур етказмоқда...

Купонсиз пул пул бўлмай турган бир пайтда купонга нисбатан қатъий муносабатда бўлмоқ керак.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирча купон сотган ёки хўжасизлик ва лоқайдлик оқибатида купон босиб чиқарилаётган жойда йўқолишга йўл қўйган шахсларга нисбатан жиноий ёки маъмурий жазога тортиш кўзда тутилмаган. Ўйлаймизки янги қонун қабул қилинаётганида ҳукумат шу нарсага ҳам эътибор беради.

ЎЙЛАМАЙ ЕГАН ОҒРИМАЙ ЎЛАР

Чайқовчиликнинг тобора кучайиб бораётганлиги кишини ташвишлантирмай қўймайди, албатта. Чунки Отчопарда текин томоқ топувчилар сони ошса ошяптики, асло камаймаяпти.

Ана шундай текин луқма илинжида бозорга қадам ранжида қилганлардан бири — олмалиқлик Нейля Абдулова Японияда ишлаб чиқарилган аёллар соябонини чайқаётганида иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ходимлари қўлига «чайқалиб» тушди. Унинг қопчиғи текширилганда бундай соябондан яна ўн дона топилди. Аввалига у сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Лекин бундай найрангларни кўравериб «пишиб» кетган милиция ходимлари молларни расмийлаштиргач, унинг кўзи мошдек очилди. Н. Абдулованинг моли мусодара қилиниб, ўзига жарима солинди.

Паркент тепасидаги Красногорск қишлоғидан мўмай даромад орттириш илинжида келган Николай Борисов эса ҳар бири 85 сўм турадиган болалар костюмини салмоқли сўмга сотаётганида қўлга тушди. Ови бароридан келмаган Коля даромаддан қуруқ қолгани устига яна 200 сўм жарима ҳам тўлади.

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари олий билимгоҳининг талабаси Акмал Муҳаммадиев эса анойи чайқовчилардан эмас экан. У «Тошкент» сигаретасининг 470 қутисини магазиндан таниш-билиш орқали олди-ю погонли «харидорга» кўтарасига ўн баравар қимматига бериб юборди. Лекин унинг бу довюраклиги қимматга тушди. У Куйбишев район халқ суди томонидан икки йилга шартли равишда озодликдан маҳрум қилинди.

Меҳнатсиз даромадга руж қўяётганлар орасида ёшларнинг кўпайиб бораётганлиги айниқса ачинарли ҳолдир. Тошкентлик Л. (**тергов олиб борилаётганлиги сабабли баъзи олибсотар ва чайқовчиларнинг исми-шарифини айтолмаймиз**) Покистонда ишлаб чиқарилган беш дона эркаклар курткасини 700 сўмдан чайқаётганда (**унинг гапи бўйича**) хушёр милиция ходимлари қўлига тушди. Аслида курткалар салмоқли сўмга сотилган.

Тошкент вилоятининг Ғалаба районидан келган фуқаро К. эса 5250 сўмлик камёб молни тўрт баравар ошиқча нархда пуллаб, уйига «ғалаба» билан кетмоқчи экан. Лекин қўлга тушиб, «мағлубият»га учради. Урганчлик А. исмли аёл дугонаси билан Тошкент отчопарини «зиёрат» қилиш учун тайёрада келишган экан. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидек, улар ўзлари билан олиб келган давлат нархида жами 3320 сўмлик турли ҳажмдаги аёллар туфлиси мусодара қилингач, керакли жойга темир тўсиқли машинада кетишларига тўғри келди.

Республикамизга Узоқ Шарқ, Семипалатинск, Гурдабани каби бошқа шаҳарлардан оқиб келаётган чайқовчилар ҳам оз эмас. Ҳозир касалхона ва дорихоналарда дорилар камёб бўлиб турган пайтда Санкт-Петербургдан келган «меҳмон» Елена Широкаева турли дори-дармонларни пуллаётганда қўлга тушгач, унинг ўзига валидол керак бўлиб қолди...

Узоқ Сахалиндан келган фуқаро К. 95 қути қора иқрапи салмоқли сўмга айлантириб, ватанига «Жасорат» мусалласидан олиб кетмоқчи бўлган экан. Унинг орзулари пучга чиқди. Энди у терговда жасорат кўрсатиб тўғри кўрсатма беришига тўғри келади...

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Афсуски, қўлга тушган чайқовчиларга уч-тўрт юз сўм жарима солингани ёки жуда бўлмаганда шартли равишда бирикки йилга озодликдан маҳрум қилингани билан ҳеч нарса ўзгариб қолмаяпти. Чайқовчиликнинг илдиз отиши туб сабабларидан бири — қонунларимизнинг ўта инсонпарварлигида бўлса ажаб эмас. Юқорида келтириб ўтилган мисоллар денгиздан бир томчи, холос. Ваҳолонки, чайқовчилик, талон-торожнинг бошқа йўллари ҳам мавжуд.

«ҲАЗМ БЎЛГАН» ТРАКТОРЛАР

Биз Тошкент шаҳар иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг бошлиғи И. АКЧУРИН билан суҳбатлашдик:

— Тўғри, юқоридаги мисоллар биргина Отчопарда бўлган воқеалар, — деди у. — Аммо, чайқовчилик ишхоналарда, касалхоналарда ва болалар боғчаларида давом этиб келаяпти. Масалан, чайқовчи гўё ўзи учун олган молни «ҳажми кичик» келганлиги ёки «қўшниси пулга зориқиб» қолганлигини рўкач қилиб, маҳсулотни силлиқкина пуллайдида, мободо яна керак бўлиб қолса сўраб топиб беришлигини айтиб, ўзининг чайқовчи эканлигини яширимоқчи бўлади. Барча саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақчил бўлиб турган бугунги кунда талон-торож, ўғрилик ва чайқовчилик яна ҳам илдиз отиб бораяпти. Айниқса, ташмачилар кўпайди. Агар мисол келтирадиган бўлсак, Тошкент тамаки фабрикасидан давлат нархи 1 минг 200 сўмлик, яъни 3 минг дона «Астра» сигаретини олиб чиқиб кетаётган ташмачилар ушланди. Бу ташмачилар — фабрика ишчилари Светлана Айзиман ва Наиля Манжулолар экан. Улар фабриканинг ўтиш жойи назоратчиси Ғайрат Содиқов билан тил бириктириб жиноятга қўл уришган. Улар устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Мажмуасининг 117-моддаси 2-банди билан жиноий иш қўзғатилди.

Шунингдек, Тошкент тўқимачилик комбинати дарвозасидан чиқиб келаётган «ЗИЛ-130» маркали автомашина ходимимиз томонидан тўхтатилганда, машинага ортилган 9 минг 182 метр чит газлама ҳеч қандай ҳужжатсиз ва аниқ манзилсиз олиб чиқиб кетилаётганлиги аниқланди. Юк «эгалари» фабрика ишчилари — Н. Тожиев, З. Муҳаммадиев ва С. Домбричевскийлар бўлиб чиқди. Улар «овлари» бароридан келса, метрни сўмга айлантириб, бўлашиб олишга қарор қилишган экан. Фабрика дарвозаси қоровули Анатолий Заводнов эса арзимаган чойчақага юк ортилган машинани ўтказиб юборган. Шу куни яна бир «Ниссан» маркали автомашина тўхтатилиб текширилганда, машинага 5 минг метрдан зиёд турли газламалар ортилганлиги маълум бўлди. Ҳайдовчи Г. Личагин милиция ходимларига юк варақасини кўрсата олмади. Аниқланишича, Георгий комбинат қоровуллари бошлиғи Вячеслав Ханга 3 минг сўм пора бериб, дарвозадан бемалол чиқиб кетган. Айбдорлар устидан Фрунзе район ички ишлар бўлими томонидан жиноий иш қўзғатилди.

Буларнинг ҳаммаси баъзи йирик ишлаб чиқариш корхоналари мутасадди раҳбарларининг боқибеғамлиги оқибатида вужудга келган. Бугунги бозор иқтисодиётига ўтган кунда, ҳар бир корхона ўзининг тийинигача ҳисоб-китоб қилиб турган пайтда баъзи боқибеғам раҳбарлар наҳотки «орқа эшик»дан чиқиб кетаётган минглаб сўмларни сезишмаётган бўлишса? Масалан, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳовлисидан йил мобайнида 57 та «Т-28 Х-4» ва МТЗ-80 маркали трактор яширинча олиб чиқиб кетилган. Охирги иккита тракторни ҳайдовчилар Н. ва Г.лар миниб чиқиб кетаётганда ушланди. Терговда маълум бўлишича йил бўйи тайёр маҳсулот сақланадиган омборлардан нафақат трактор, шунингдек, эҳтиёт қисмлар, тележкалар, двигателлар ва бошқа деталлар ташмачи ва ўғрилар томонидан олиб чиқиб кетилган. Қисқа қилиб айтганда, давлат мулки талон-торож қилинган. 28 та трактор Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан милиция ходимлари томонидан топилиб, Тошкентга олиб келинди ва заводга топширилди. Айбдорлар устидан шаҳар Ички ишлар бошқармаси томонидан жиноий иш қўзғатилган. Яқин кунларда уларнинг иши халқ судига оширилади...

Яқиндан бошлаб чайқовчиларни ҳам ишбилармонликка йўя бошладик. БХСС ходимларини тарқатиб юборишликни таклиф этдик. Бу соҳада ҳам адашганлигимиз маълум бўлди. Бўрининг боласи бўри бўлади, деганларидек, чайқовчи-чайқовчилигича, ташмачи-ташмачилигича, олиб-сотарлар олибсотарлигича қолди. Уларга қарши кураша олмай, яна — Милиция қаёққа қараяпти? — деб дод солдик. Тағин БХСС ходимлари жонимизга оро кирди. Фақат энди БХСС эмас — иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ходимлари. Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Даврнинг келди, суриб қол, қабилида ўз халқини шилиб, ҳаром бойлик орттиришга муккасидан кетган «зулуклар» билиб қўйсинларки, кўза кунда эмас кунида синади. Зеро, ҳеч бир жиноят изсиз кетмайди. Улар ўз қилмишларига яраша жазо олишлари аниқ.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ,
ички ишлар бўлими ходими,

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Отчопар» чайқов бозорида мусодара қилинган моллар. Е. БОТИРОВ олган суратлар.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Адабиёт илмгоҳи жамоаси катта илмий ходим, филология фанлари номзоди М. Назаровга отаси

Ғафур НАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Марказий ўқув комбинати жамоаси Марказий ўқув комбинатининг директори Ҳ. А. Ҳайдаровга онаси

Тожихон ҲАЙДАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси жамоаси Республика телевидениесининг бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Маҳкамовга акаси

Машрабжон МАҲКАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси чет элларга радио эшиттириш Республика радиоси жамоаси Осиё Бош муҳарририяти диктори Н. Каримовага акаси

Абдулхай Абдувоҳид ўғли РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси жамоаси Сиёсий-иқтисодий кўрсатувлар ижодий бирлашмасининг режиссёри М. Устабобоевга акаси

Мирёқуб УСТАБОБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 26.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.